



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 29 » iyun

№ 400

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-кувватлаш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-кувватлаш, бу борада амалга оширилаётган ишларни самарали йўлга қўйиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-кувватлаш ва бандлигига кўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида” 2021 йил 20 апрелдаги ПФ-6208-сон Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик) юридик шахс мақомига эга бўлмаган **Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-кувватлаш жамғармаси** (кейинги ўринларда – Жамгарма) ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-кувватлаш жамғармасини бошқариш, унинг маблағларини шакллантириш, улардан фойдаланиш йўналишлари ва сарфлаш тартибини назарда тутувчи **Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-кувватлаш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом** иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-кувватлаш ва бандлигига кўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида” 2021 йил 20 апрелдаги ПФ-6208-сон Фармонига мувофиқ ушбу Фармонда белгиланган Агентлик томонидан амалга ошириладиган харажатларни молиялаштириш учун 2021 йилда Агентликка Давлат бюджетидан қўшимча равишда ажратиладиган 100 млрд сўм маблағларнинг Жамгармага ўtkазилишини ҳамда ушбу харажатларни молиялаштириш учун 2022 йилдан бошлаб ҳар йили Давлат бюджети параметрларида Агентликка етарли маблағлар ажратилишини;

2021 йилда Агентлик, унинг ҳудудий бўлинмалари ва Агентлик хузуридаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти фаолиятини молиялаштириш учун ажратилган маблағларнинг тадбирларга йўналтирилиши белгиланган қисмини Жамғармага ўтказилишини ҳамда 2022 йилдан бошлаб Жамғармага ўтказиладиган маблағлар ҳисоб-китобини бюджет сўровида назарда тутилишини таъминласин.

4. Агентлик манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.А. Мусаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “29” июндаги 400сон қарорига
илова

**Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг Ёшларга оид
давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларини
шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик) юридик шахс мақомига эга бўлмаган бюджетдан ташқари жамғармаси ҳисобланади.

3. Жамғарма маблағлари Агентлик, унинг худудий бўлинмалари ва Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти (кейинги ўринларда – Институт) учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Газначилигига алоҳида очиладиган шахсий газна ҳисобваракларида юритилади.

2-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш

4. Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан Агентлик орқали ажратиладиган маблағлар;

Агентлик ва унинг худудий бўлинмалари ҳузуридаги корхона, муассаса ва ташкилотлар ихтиёрида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин қоладиган соф фойданинг бир қисми;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари, вақтинча бўш турган маблағларни тижорат банкларининг депозитлариiga жойлаштиришдан олинган даромадлар;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Агентлик, унинг худудий бўлинмалари ва Институт тегишлича жамғармаларга маблағлар келиб тушишининг тўлиқлигини назорат қиласи.

З-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш тартиби

6. Жамғарманинг маблағларидан қўйидаги мақсадларда фойдаланилади:

ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирларни молиялаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббусни кенг жорий этишга қаратилган тадбирларни молиялаштириш;

“Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларнинг хорижий тиллар ва умумтаълим фанлари бўйича нодавлат таълим ташкилотларида ўқиш харажатларининг 50 фоизи (бироқ, базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 бараваригача) ҳамда улар бўйича миллий сертификатлар олиш учун ўtkазиладиган имтиҳонларни топшириш харажатларини компенсация қилиш;

“Мехрибонлик” уйлари тарбияланувчилари ҳамда “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларнинг ҳайдовчилик курсларида ўқиш харажатларини (базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваригача) ва сафарбарлик чақируви резервида хизматни ўташ учун тўланадиган тўловларни молиялаштириш;

хусусий корхона ва ташкилотларга ишга қабул қилинган ҳамда фаолият бошлаганига олти ойдан ошмаган “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни қайта тайёрлов курсларида ўқитиш билан боғлиқ харажатларни (базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваригача) мазкур хусусий корхона ва ташкилотларга компенсация сифатида қоплаб бериш;

АТ “Халқ банки”, АТ “Алоқа банк” ва “Микрокредитбанк” АТБ томонидан “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида ўқув курсларини муваффақиятли тутатган ва сертификат олган ёшларга компьютер (шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмаган) харидлари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда ажратилган истеъмол кредитлари бўйича фоиз тўловларини компенсация сифатида қоплаб бериш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-куватлаш ва бандлигига қўмаклапшиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вактини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 20 апрелдаги ПФ-6208-сон, “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 30 июндаги ПФ-6017-сон фармонлари, “Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2020 йил 30 июндаги ПҚ-4768-сон қарорида белгиланган Агентлик, унинг ҳудудий бўлинмалари ва Институтнинг асосий вазифа ва фаолият йўналишлари доирасидаги чора-тадбирларни молиялаштириш;

Агентлик ҳайъати қарорига асосан фаол ёки ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ бўлган ёшларни қўллаб-куватлашга доир харажатларни амалга ошириш;

Агентлик, унинг худудий бўлинмалари ва Институтнинг бино ва ишоотларини, худудлардаги ёшлар объектларини (таълим, маданият, санъат, спорт объектлари, ёшлар марказлари ва бошқалар) куриш, капитал ва жорий таъмирлаш ҳамда инвентарлар, мебель, компьютер техникаси ва бошқа ускуналар билан жиҳозлаш ҳамда соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

мамлакатимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш, ўсиб келаётган ёш авлодни илм-фан ва инновацияларга кенг жалб этиш билан боғлиқ чора-тадбирларни молиялаштириш;

ёшларга оид дастурлар, лойиҳалар, танловлар ва бошқа тадбирлар учун нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, шу жумладан, оммавий ахборот воситаларига ижтимоий буюртма ажратиш;

худудларда банд бўлмаган ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида касб-хунарга ўргатиш ва уларда касбий кўнікмаларни шакллантириш тадбирларини молиялаштириш;

“Мехрибонлик” уйларини тамомлаган етим ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган ёшларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини ташкил этиш тадбирларини молиялаштириш;

халқаро имтиҳон тизимлари (IELTS, TOEFL, GMAT, GRE, SAT ва бошқалар) бўйича энг юқори балл тўплаган иқтидорли ёшларга имтиҳон топшириш харажатларини қоплаб бериш;

халқаро фан олимпиадаларида ўқувчи ёшларнинг юқори даражада тайёргарлик кўришлари учун ўқув базаси ташкил этиш, республика ва хорижий малакали мутахассислар жалб қилиш ҳамда улар учун барча зарур шароитларни таъминлаш харажатларини қоплаш;

халқаро фан олимпиадаларида ўқувчи ёшларнинг иштирокини ташкил этиш билан боғлиқ (суткалик, яшаш, транспорт, виза) харажатларни қоплаш;

ёш кадрларни, шу жумладан Агентлик тизимидағи ходимларни ўқитиши, малакасини ошириш, уларнинг стажировка ўташи, шу жумладан хорижий мамлакатларда ўтказиладиган конференция, семинарлар ва бошқа тадбирларда иштирок этишини ташкил этиш, Агентлик тизимидағи ходимларни жамоа шартномаларида назарда тутилган тартибда моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш;

Агентликнинг экспер特-таҳлил гурухи фаолиятини ташкил этиш, экспер特-таҳлил гуруҳ таркибига киритилган мутахассисларга ҳақ тўлаш, Агентликка юклатилган вазифаларни амалга оширишга маҳаллий ва хорижий илмий муассасалар, олим ва мутахассисларни, илмий-тадқиқот ташкилотлари, олий таълим муассасалари ҳамда бошқа юридик ва жисмоний шахсларни шартнома асосида жалб қилиш;

Агентлик, унинг худудий бўлинмалари ва Институт вазифалари ва фаолиятининг асосий йўналишларини амалга оширишга қаратилган бошка тадбирларни молиялаштириш.

7. Агентлик марказий аппаратининг шахсий ғазна ҳисобварағидан, зарур ҳолларда, худудий бўлинмалар ва Институтнинг шахсий ғазна ҳисобварағига мазкур Низомнинг 6-бандида назарда тутилган харажатларни амалга ошириш учун мақсадли маблағлар ўтказиб берилади.

8. Жамғарманинг даромадлар ва харажатлар сметаси келгуси йилда келиб тушиши кутилаётган маблағлар прогнози ва амалга оширилиши белгиланган тадбирларни ўтказишдан келиб чиқкан ҳолда тузилади.

Бунда, Агентлик марказий аппаратида Жамғарманинг даромадлар ва харажатлар сметаси Жамғарма маблағларини сарфлаш йўналишлари ва амалга ошириладиган тадбирлар бўйича тузилади.

9. Жамғарма маблағлари ҳисобидан харажатлар Агентлик марказий аппаратида – Агентлик директори томонидан, худудий бўлинмаларда – худудий бошқармалар бошлиқлари томонидан, Институтда – Институт директори томонидан тасдиқланган ҳамда тегишли молия органларидан ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказилган даромадлар ва харажатлар сметасига мувофиқ амалга оширилади.

Бунда, Агентлик марказий аппаратининг қиймати 400 млн сўмдан ортиқ бўлган харажатлари Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини янада ривожлантириш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш қарорига асосан амалга оширади (амалга оширилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари, топшириқлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари, топшириқларида белгиланган харажатлар бундан мустасно).

Худудий бошқармалар ва Институт томонидан қиймати 100 млн сўмдан ортиқ бўлган харажатлар Агентлик директори билан келишилган ҳолда амалга оширилади, ушбу жамғармаларга аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун жисмоний ва юридик шахслар томонидан ўтказиб берилган ҳомийлик маблағларини сарфлаш бундан мустасно.

10. Агентлик томонидан, истисно тариқасида, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига давлат ижтимоий буюртмаси шаклида маблағ ажратишида маблағларнинг 50 фоизигача қисми олдиндан аванс тариқасида, қолган қисми эса – аванс маблағларининг ўзлаштирилишига қараб ажратилиши мумкин.

11. Жамғарманинг жорий йилда фойдаланилмаган маблағлари (қолдик маблағлар) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига олиб қўйилмайди ва улардан кейинги йилда мазкур Низомда белгиланган тартибда фойдаланилади.

**4-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланилиши юзасидан
хисоботлар тақдим этиш, назорат ва жавобгарлик**

12. Агентлик, унинг ҳудудий бўлинмалари ва Институт белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига Жамғарма маблағларининг ишлатилиши тўғрисида ҳар чоракда тегишли хисоботларни тақдим этиб боради.

Жамғарма маблағларининг ҳисоби ва ҳисоботи қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда юритилади ва тақдим этилади.

13. Жамғарма маблағларидан оқилона ва мақсадли фойдаланишини назорат қилиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

14. Жамғарма маблағларидан тўғри ва мақсадли фойдаланиш юзасидан жавобгарлик Агентлик, унинг ҳудудий бўлинмалари ва Институтга юклатилади.

5-боб. Якунловчи қоида

15. Ушбу Низом талаблари бузилишида айборд бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

